

Л.Ў. Мингишов

**Ўзбекистоннинг экспорт
товарлари рақобатбардошлигини
оширишнинг муҳим омиллари
ва устувор йўналишлари**

В статье рассматриваются особые факторы и возможности формирования и повышения конкурентоспособности экспортных товаров Узбекистана, дается оценка по ряду показателей (инвестиции на основной капитал, показатель уровня открытости внешней торговли). Анализируется также объём ВВП Российской Федерации как основного партнёра по экспорту, реальный эффективный обменный курс и издержки на каждый контейнер товаров, влияющие на объём экспорта Республики Узбекистан. По результатам оценки сделаны заключения, учитывающие интенсивные и экстенсивные (intensive and extensive margin) границы роста экспорта.

* * *

The article examines and analyzes the special factors and opportunities for the formation of competitiveness of export goods of Uzbekistan. At the same time, an assessment is made of a number of indicators (investment in fixed capital, trade openness indicators, also as an example the volume of the GDP of the Russian Federation, which is the main export partner, the real effective exchange rate and costs to trade for each container) that affect the volume of export of the Republic of Uzbekistan. And also, conclusions are drawn by considering intensive and extensive margin of export growth, based on the results obtained.

Л.Ў. Мингишов, ЖИДУ таянч докторанти.

Ключевые слова: Конкурентоспособность экспорта, инвестиции на основной капитал, уровень открытости внешней торговли, реальный эффективный обменный курс, диверсификация экспорта, интенсивный и экстенсивный рост экспорта, индекс взаимодополняемости торговли, индекс проникновения экспортного рынка.

* * *

Keywords: Export competitiveness, investment in fixed assets, trade openness indicators, real effective exchange rate, export diversification, intensive and extensive margin of export growth, trade complementarity index, export market penetration index.

Кўплаб ривожланаётган мамлакатлар экспортга йўналтирилган ўсишни қўллаб, импорт ўрнини босувчи ривожланиш моделидан воз кечган пайтдан (1980 йил) бошлаб, глобал савдо интеграцияси тез суръатларда ривожланиб келмоқда. Савдо қилиш сўнги чорак асрдан буён глобал ўсиш, ривожланиш ва қашшоқликни камайтиришнинг энг муҳим омили ҳисобланмоқда. Масалан, 1990 йилдан буён ривожланаётган мамлакатлар гуруҳидаги юқори даромадли мамлакатларда йиллик экспортнинг 8%га ўсиши, паст ва ўрта даромадли мамлакатларда эса йиллик экспортнинг 14%га фоизга ўсганлигини кузатиш мумкин. Сўнги ўттиз йилликдаги Шарқий Осиё мамлакатларининг экспортга йўналтирилган ўсиш тажрибаси савдонинг иқтисодий ўсишдаги аҳамияти катталигидан далолат беради.

Жаҳон иқтисодий конъюктураси мураккаблашиб бораётган бир пайтда халқаро бозорларда ўз мавқеини сақлаб қолиш мамлакатлар олдидаги муҳим стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Жумладан, 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонида ушбу масала ўз ифодасини топди [1]. Мазкур фармонни амалга ошириш юзасидан келтирилган илованинг 3.2-бандида қуйидаги вазифалар долзарб этиб қўйилган:

- ♦ иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш;
- ♦ принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш.

Бу, энг аввало, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги, эркин ва ҳалол рақобат шароитида мамлакатнинг жаҳон бозори талабларини

қондирувчи товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш имконияти билан боғлиқдир.

Бу ҳолатга кўплаб омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, қўшни мамлакатлар бозорларида уларнинг ўзлари ишлаб чиқарадиган товар юқори устунликка эга бўлсада, узоқ географик масофада жойлашган мамлакатлар бозорларида бу товарларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар ҳамда шу каби омиллар ҳисобига юқори устунликка эришилмаслиги ҳам мумкин. Бу эса ўз навбатида рақобатбардошликни нафақат мамлакатимизнинг, балки қўшни давлатларнинг иқтисодий имкониятларини ҳам инобатга олган ҳолда шакллантиришга ҳамда ўзаро ташқи савдо алоқаларини ривожлантиришга асос бўлувчи тадқиқотларга бўлган заруриятни кучайтиради.

Экспорт кўламини ошириш ҳисобидан иқтисодий фойдага эришишнинг узоқ даврли назарий асослари мавжуд. Хусусан, мамлакатларнинг нисбий афзаллигидан фойдаланиши ва ноёб ресурсларини самарали тақсимланиши натижасида эришадиган статик ютуғи, шунингдек, кучли рақобат шароитида унумлироқ экспорт секторининг вужудга келиши, юқори миқёс самарасига эришиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самаралироқ фойдаланиш, билимнинг кенг оммавийлашиши ва технологик тараққиёт каби динамик ютуқлар шулар жумласидандир.

Ҳар хил турдаги (heterogeneous) фирмалар фаолиятини тадқиқ этиш борасидаги замонавий адабиётларда ҳам экспортёрлар экспорт қилмайдиган фирмаларга қараганда унумлироқ, капитал сифимли, ҳажм жиҳатдан каттароқ ва меҳнатга юқорироқ иш ҳақи тўлашга қодир бўлиши илмий асосланган [2]. Ривожланаётган мамлакатлар учун экспорт товарлари ички эҳтиёжлари учун керакли ресурслар импортини молиялаштиришда зарур бўлган валюта манбаи ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам, ташқи савдодан даромадлар импортга ҳам, экспортга ҳам аҳамиятли даражада боғлиқ. Импортнинг очиқлиги ҳам ички бозорларни тартибга солувчи куч сифатида намоён бўлиб, харажатни камайишига, ишлаб чиқарувчилар учун юқори сифатли хом ашёни олиб киришига имкон беради.

Охириги йилларда ташқи савдо рақобатбардошлигини аниқловчи кўрсаткичларни тадқиқ этган олимлардан О.Кадот, С. Каррер ва В. Стросс-Кан (2011) ривожланаётган мамлакатлар учун экспортни диверсификация қилиш бўйича турли йўналишларда давлат сиёсатини олиб бориш асосларини ишлаб чиқишган [3]. Киши бошига тўғри келадиган ЯИМини назоратга олиниши билан миқдорий баҳолаш натижалари шуни кўрсатадики, инфратузилма экспорт диверсификациясини муҳим ҳаракатлантирувчи омили сифатида намоён бўлади: инф-

ратузилма индексининг 10%га ошиши, Theil индексининг (жамланишнинг) 0,7%га камайишига олиб келади. Мамлакатлар орасидаги масофа қанчалик узоқ бўлса, улар ўртасидаги экспорт диверсификация даражаси, яъни экстенсив чегара (янги маҳсулотлар билан янги бозорларга) ва маҳсулотлар миқдори ҳам шунчалик кам бўлади (Theil индекси тобора юқори бўлади).

Имтиёзли бозорлардан фойдаланиш ҳар икки йўналишда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Аксинча, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар соф оқими (ЯИМига нисбатан фоизда) баъзи маҳсулотлар бўйича экспорт қиймати жамланмасини фойдалайди ва шунга кўра интенсив чегараларда (мавжуд маҳсулотлар билан мавжуд бозорларга) жамланиш даражасини оширади. Ушбу натижани кўп миллатли компанияларнинг маълум товарларни катта ҳажмда ишлаб чиқаришга ихтисослашувида кутилади. Шунингдек, муаллифлар таълимни экспорт диверсификациясига таъсир этувчи яна бошқа муҳим омил сифатида келтиришади. Таълим олиш йилининг 10%га ошиши Theil индексини 1,1%га камайишига, экспорт маҳсулотлари миқдорини эса 6,2%га ошишига олиб келади. Худди шундай муассасалар сифати ҳам диверсификацияга сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади. Ниҳоят, кутилганидек, аҳоли сонининг ўсиши ҳам иқтисодий диверсификациясига ижобий таъсирга эга эканлиги аниқланган.

Навбатдаги тадқиқотлардан бирида Ж. Ж. Халарт, Р. К. Цепеда ва Дж. Канг (2011) ривожланаётган малакатлар, шунингдек, денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган, кичик, қолоқ ва бошқа экспортёр мамлакатлар учун савдони кенгайтиришларида мажбурий чекловларнинг таъсирини миқдорий аниқлаганлар [4]. Тадқиқотда ташқи савдо ислохотларининг иқтисодий ўсишдаги аҳамияти ҳам баҳоланган. Улар икки босқичли кичик квадратларни баҳоловчи функция (2SLS) усулидан фойдаланишган. Биринчи босқичда мажбурий чекловларнинг савдо кўрсаткичларига (экспорт, импорт ва очиқлик) тўғридан-тўғри таъсир йўналиши ва муҳимлилик даражаси миқдорий аниқланади. Иккинчи босқичда мажбурий чекловлар оқибатида савдо кўрсаткичлари ўзгариши орқали мамлакатнинг иқтисодий ўсиш даражасига тўғридан-тўғри таъсири аниқланган ва миқдорий баҳоланган.

Бундан ташқари, муаллифлар денгизга чиқиш имконига эга бўлмаган мамлакатлар ўзларининг савдо интеграцияларини аҳамиятли даражада камайтирувчи кўплаб тўсиқларга дуч келаётганлигини аниқлаганлар. Кузатилган далиллар шуни кўрсатадики, фақат мазкур мамлакатлар учун очиқлик даражаси 5%га камайган. Электр энергияси асосий муаммолардан бири, шунингдек, солиқ ставкалари, молиявий маблағларга эришиш, юк ташиш бўйича ҳам тўсиқлар мавжуд. Ушбу

мамлакатларда савдо ўсиши самараси бошқа кузатилган мезонлардан анча каттароқдир: очиқлик даражасини 10%га кўтарилиши, ўсиш даражасининг 1,6%га ошишига олиб келади (эркин танланган бошқа мамлакатларда мос равишда 0,8%/1,1%). Ушбу натижа ҳам экспорт, ҳам импорт учун амал қилади. Реал самарали валюта курсининг 10%га ошиши экспорт, импорт ва очиқлик даражасининг 1%га камайишига олиб келади. Кредит олиш имконияти даражаси мазкур мамлакатлар ташқи савдосининг кенгайишига аҳамиятли тўсиқ эмаслиги асосланган.

Экспортни диверсификация қилиш шароитида охириги ўн йилликда мамлакатлар экспортининг интенсив ва экстенсив ўсишини қандай амалга ошираётганлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Д.Хуммелс ва П.Кленовларнинг (2005) бу борадаги кўрсатмалари мамлакатнинг экспорти қанчалик муҳим аҳамият касб этиши (IM), мамлакат экспорти жаҳонда қанчалик аҳамиятга эга эканлигини (EM) аниқлашда ёрдам беради [5]. Ушбу ёндашувдан мамлакатда ишлаб чиқариладиган товарлар рўйхатига қўшилган иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли янги маҳсулотлар ва уларнинг жаҳон савдосидаги улушини баҳолашда фойдаланилади.

Мамлакат экспортининг қанчалик муваффақиятли амалга оширилиши, мазкур маҳсулотлар қанчалик кенг бозорларда сотилиши ва қанчалик даромад келтирилишини аниқлаш жуда муҳимдир. Мамлакат экспорт фаолиятини географик жиҳатдан кенгайтиришнинг келажакдаги имкониятларини кўриб чиқиш йўлларида бири экспорт бозорига кириб бориш индексини (IEMP) ўлчаш ҳисобланади.

Мазкур индексда мамлакат экспорт товарларининг умумий сони ва мазкур товарлар етказиб бериладиган бозорлар сони, ҳар бир товарни импорт қиладиган (экспортёр мамлакатлар манфаатдор бўлган) дунёнинг бошқа мамлакатлари ҳисобга олинади. Бу тарзда маҳсулот ва мамлакатлар боғлиқлигини биргаликда ўрганиш, ҳозирги пайтда мамлакат экспорт портфелида ўрнатилиши мумкин бўлган экспорт алоқаларининг энг катта миқдорий имкониятларини очиб беради. Шундан сўнг мамлакат экспорт алоқаларининг ҳақиқий миқдорини мамлакатда баҳоланган экспорт имкониятларининг потенциал миқдорига бўлинади.

Масалан, Брентон ва Ньюфармер (2009) умумий товарлар таснифидан фойдаланган ҳолда Албаниянинг экспорт бозорига кириб бориш индексини (IEMP) Чехия Республикаси билан таққослаб, 2004 йилда Албания 955 тур маҳсулотни, Чехия эса 2863 тур маҳсулотни экспорт қилганини аниқлаган. Агарда Албания экспортининг потенциал имкониятидан тўлиқ фойдаланиб, ўзи экспорт қиладиган маҳсулотларини импорт қилувчи дунёнинг барча мамлакатларига сота олса, 90350та экспорт алоқаларини йўлга қўйиши мумкинлигини кўрсатиб

берган. Аслида эса Албания экспорт имкониятларининг 2,27%дан, Чехия Республикаси эса, 20%дан фойдаланаётганлиги аниқланган [6].

Адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, экспорт рақобатбардошлиги унинг узоқ ва ўрта муддатли даврдаги ўсиш суръатлари билан ифодаланади. Бизнинг тадқиқотимизда Ўзбекистоннинг экспорти қийматининг йиллик ўзгариши боғлиқли ўзгарувчи сифатида танлаб олинди. Қуйидаги омиллар эса функциянинг мустақил ўзгарувчилари сифатида қаралди:

- Асосий капиталга инвестициялар (млн. АҚШ доллариди);
- Савдо очиқлигининг йиллик кўрсаткичи (экспорт);
- Экспорт қилиш учун харажат (ҳар бир контейнерга тўғри келадиган, АҚШ доллариди);
- Реал самарали валюта курси (истеъмол нархлар индекси бўйича йиллик қийматда);
- (Асосий савдо ҳамкор сифатида) Россия ЯИМ қиймати (АҚШ доллариди).

Мазкур регрессион баҳолашда 2000-2014 йиллар бўйича Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси ва Жаҳон банкининг расмий маълумотларидан фойдаланилди. Танлаб олинган кўрсаткичлар ва шакллантирилган статистик маълумотлар асосида EViews8 компьютер дастури ёрдамида регрессион таҳлил ўтказилди.

Ўтказилган тадқиқот асосида қуйидаги функция тенгламасига эришилди.

$$\ln Y = 0,862 \cdot \ln X_1 + 0,141 \cdot \ln X_2 + 0,213 \cdot \ln X_3 - 0,325 \cdot \ln X_4 - 1,613 \cdot \ln X_5 + 13,328 \quad (7)$$

Бу ерда: X_1 – Асосий капиталга инвестициялар (млн. АҚШ доллариди), X_2 – Россия ЯИМ қиймати (млн. АҚШ доллариди), X_3 – Савдо очиқлиги кўрсаткичи, йиллик (экспорт), X_4 – Реал самарали валюта курси (истеъмол нархлар индекси бўйича йиллик қийматда), X_5 – Экспорт қилиш учун харажат (ҳар бир контейнерга тўғри келадиган, АҚШ доллариди).

Натижалар:

Ўзгарувчилар	Кoeffици- ентлар	Ст.хатолик	t-Статистика	Эҳтимол хатолик (Prob.)
LN(X_1)	0.862119	0.068558	12.57510	0.0000
LN(X_2)	0.141564	0.067015	2.112428	0.0638
LN(X_3)	0.212602	0.033834	6.283731	0.0001
LN(X_4)	-0.325011	0.077958	-4.169030	0.0024
LN(X_5)	-1.613172	0.223650	-7.212929	0.0001
C	13.32818	2.096571	6.357133	0.0001

Ўзгарувчилар	Кoeffици- ентлар	Ст.хатолик	t-Статистика	Эҳтимол хатолик (Prob.)
LN(X ₁)	0.862119	0.068558	12.57510	0.0000
LN(X ₂)	0.141564	0.067015	2.112428	0.0638
LN(X ₃)	0.212602	0.033834	6.283731	0.0001
LN(X ₄)	-0.325011	0.077958	-4.169030	0.0024
LN(X ₅)	-1.613172	0.223650	-7.212929	0.0001
C	13.32818	2.096571	6.357133	0.0001
R-квадрат	0.998869	Ўртача боғлиқ ўзгарувчиг		8.924568
Тартибга солувчи R- квадрат	0.998241	S.D.боғлиқ ўзгар.		0.631620
		Akaike маълумот мезони		-4.134690
Жами квадратик қолиқ	0.006317	Schwarz мезони		-3.851470
Log эҳтимоллик	37.01018	Hannan-Quinn мезони		-4.137707
F-статистика	1589.693	Durbin-Watson статистик.		2.952743
Эҳтимол хатолик (F- статистика)	0.000000			

Детерминация коэффициентини $R^2 = 0,998869$, тартибга солувчи (тўғирловчи) детерминация коэффициентини $\bar{R}^2 = 0,998241$ га тенг эканлиги мазкур тенгламада Y дисперциясининг 99,8%ни X (X_1, X_2, X_3, X_4, X_5) омиллар ёрдамида тушунтириш мумкинлигини аниқлатади.

Баҳолаш натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг экспортга мамлакат иқтисодий тармоқлари бўйлаб киритилаётган асосий капиталга инвестициялар, ташқи савдонинг очиклиги ва асосий ҳамкор мамлакат (Россия) ЯИМи ўсиши ижобий таъсир кўрсатиши, реал самаралий валюта курси ҳамда экспорт қилиш учун ҳар бир контейнер маҳсулотларга тўғри келадиган харажатларнинг ошиши эса салбий таъсир кўрсатиши баҳоланди. Қолган ўзгарувчилар ўзгармаган ҳолатда баҳолаш натижалари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, асосий капиталга киритилган инвестициялар омили бошқа таҳлил қилинган омилларга нисбатан экспорт самарадорлигига юқори даражада таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ислохотларнинг илк босқичида давлатнинг инвестиция сиёсати иқтисодиётни чуқур таркибий ўзгартиришга, тармоқларга ва ишлаб чиқаришга капитал ки-

ритмалар тузилмасини ўзгартиришга йўналтирилган эди. Ҳозирги пайтда инвестиция сиёсати қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириш, мамлакат моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, умумиқтисодий тараққиётга эришишга қаратилган инвестиция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиниши ва қўллаб-қувватланишининг таъсирчан тизимини яратишга қаратилмоқда.

Мамлакатимизда молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялар таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Уларнинг умумий ҳажмида бюджет маблағлари улушининг камайиши тенденцияси кузатилди. Нодавлат мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 2016 йилда 83,4%ни ташкил этди, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 5,2 % пунктга кўпайди. Молиялаштиришнинг асосий ҳажми, яъни 61,4 %ни хўжалик юритувчи субъектлар ва хусусий мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар амалга оширди ва мос равишда 15,8% пунктга кўпайди [7].

Шунингдек, экспорт диверсификациясининг муҳим омили сифатида инвестициялар кўламининг ўсиши янги соҳаларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига ҳам олиб келади. Айниқса хусусий секторнинг ИТТКИ, инновацияга интилиш ва турли хил рискларни бошқариш қобилияти орқали иқтисодиётнинг самарали ташкил қилинмаган соҳаларини ривожлантириш имконияти пайдо бўлади. Шу жиҳатдан инвестициялар экспорт рақобатбардошлигини оширишдаги муҳим ижобий таъсир этувчи омил ҳисобланади.

Иккинчидан, Республикамиз экспортдан олинadиган тушумларнинг жаҳон хом ашё бозорлари конъюнктурасига юқори боғлиқлиги ва мос равишда экспортдан нобарқарор валюта тушумларини юзага келтирувчи хом ашё товарлари устунлиги давом этмоқда. Бундан ташқари, экспорт тушумлари асосий савдо ҳамкор мамлакатларнинг иқтисодий аҳволига кучли боғланган.

1-Жадвал

Ўзбекистоннинг экспорти ва ҳамкор мамлакатлари импорти ўртасидаги ўзаро бир-бирини тўлдирувчи савдо кўрсаткичи (Trade Complementarities Index (TCI))¹

Ҳамкор мамлакатлар	1995	2000	2007	2012	2013
Россия	0,07	0,23	0,24	0,24	0,21
Хитой	0,11	0,16	0,13	0,18	0,15
Швецария	0,08	0,17	0,18	0,21	0,18
Туркия	0,13	0,24	0,27	0,22	0,22

¹ Мазкур индекс энг катта қиймати 1 бўйича ҳисобланган.

Ҳамкор мамлакатлар	1995	2000	2007	2012	2013
Қозоғистон	0,17	0,22	0,2	0,2	0,2
Ҳиндистон	0,11	0,21	0,16	0,17	0,16
Белорусия	0,06	0,26	0,24	0,2	0,2
Ж.Корея	0,07	0,29	0,13	0,19	0,16
Қирғизистон	0,13	0,22	0,25	0,22	0,18
Тожикистон	0,07	0,22	0,17	0,18	0,15
Туркменистон	0,07	0,13	0,17	0,15	0,13

Манба: UNCTAD Stat маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзаро бир-бирини тўлдирувчи савдо индекси кўрсаткичлари таҳлилининг кўрсатишича, мамлакатимиз экспорти ва ҳамкор давлатлар импорти ўртасидаги ўзаро мувофиқлик кам эканлигини кўриш мумкин. Мазкур кўрсаткич, айниқса Тожикистон, Туркменистон каби қўшни мамлакатларимизда паст қийматга эга. Бунга кўра, мазкур мамлакатлар билан ўхшаш маҳсулотларни экспорт қилинаётганлиги, уларга йўналтирилган экспортимизни кенгайтириш бўйича имкониятларимиз кам эканлигини англатади (1-жадвал). Бу ҳолатни Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо билан таққослаганда, бир-бирини тўлдирувчи савдо индекси ўртача 0,7-0,8 кўрсаткичга эга.

2-Жадвал

**Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари таркиби
ва бозорининг жамланганлик ҳолати (2014-2016 йиллар)**


Экспорт маҳсулотлари	Умумий мамлакат экспортидаги улуши (фоизда)	Энг катта улушга эга бўлган 3 маҳсулот (фоизда)	Энг катта улушга эга бўлган 3 бозор (фоизда)	Жаҳон экспортидаги улуши (фоизда)	Маҳсулот тури миқдори (дона)	Ихтисослашув, RCA
2014 йил						
1. Қимматбаҳо металллар	20,23	100	100	0,20	6	5,4
2. Минерал ёқил-ги энергетика маҳсулотлари	15,66	100	97,3	0,04	8	1
3. Пахта ва пахта маҳсулотлари	12,95	74	88,6	1,44	52	39,2
4. Мис ва ундан тайёрланган буюмлар	8,37	91,4	96,2	0,38	18	10,3
5. Сабзавот маҳсулотлари	0,0001	100	79,2	0,010	2	0

Экспорт маҳсулотлари	Умумий мамлакат экспортидаги улуши (фоизда)	Энг катта улушга эга бўлган 3 маҳсулот (фоизда)	Энг катта улушга эга бўлган 3 бозор (фоизда)	Жаҳон экспортидаги улуши (фоизда)	Маҳсулот тури миқдори (дона)	Ихтисослашув, RCA
2016 йил						
1. Қимматбаҳо металллар	41,53	99,9	100	0,45	10	10,4
2. Минерал ёқилғи маҳсулотлари	11,65	100	99,3	0,05	4	1,2
3. Пахта ва пахта маҳсулотлари	10,32	67,3	87,3	1,36	51	31,3
4. Мис ва ундан тайёрланган буюмлар	6,52	84,8	97,6	0,38	21	8,8
5. Сабзавот маҳсулотлари	0,36	100	100	2,93	2	36

Манба: International trade centre. Trade competitiveness map 2016 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, 2014-2016 йилларда Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари бўйича энг катта улушга эга бўлган 3-та маҳсулотнинг ўртача хиссаси қимматбаҳо металлларда 99,9%ни, минерал ёқилғи энергетика маҳсулотларида 99,6%ни, пахта ва пахта маҳсулотларида 75,8%ни ташкил қилган. Мазкур экспорт маҳсулотлари доирасида энг катта улушга эга бўлган 3-та бозорнинг ўртача хиссалари ҳам юқори кўрсаткичга эга бўлиб, 2014-2016 йилларда қимматбаҳо металлларда 99,8%ни, минерал ёқилғи энергетика маҳсулотларида 98%ни, пахта ва пахта маҳсулотларида эса 87,6%ни ташкил этади (2-жадвал). Ушбу кўрсаткичлар мамлакатимизнинг экспорт товарлари таркиби ва бозорлари жамланмаси юқори эканлигидан далолат беради. Шу жиҳатдан баҳолаш натижалари Россия ЯИМи қиймати ортиши мамлакатимиз экспортига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Учинчидан, гарчи Ўзбекистонда экспорт квотаси 2007 йилдаги 39,7% дан 2015 йилда 20,7 %гача камайган бўлсада, ташқи савдо айланмасининг ЯИМидаги улуши, экспорт квотаси ва импорт квотаси каби очиқлик даражаси МДХ мамлакатларидагига нисбатан паст эканлигини кузатиш мумкин. Бу эса ташқи савдода фойдаланилмаган имкониятларимиз юқори эканлигидан далолат беради.



1-расм. Мамлакатларнинг ташқи савдога очиклик даражаси графиги.¹

ЯИМга нисбатан ташқи савдонинг улуши ва ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуши ўртасидаги боғлиқликнинг таҳлили кўрсатишича, аҳоли даромадлари кўпайиши уларнинг ташқи савдога мойиллигини ошириши лозим. Бу ўз навбатида мамлакат ташқи савдосининг очиклигига боғлиқ бўлади. 2015 йилда Ўзбекистон Республикасида амалда мавжуд параллель валюта курсининг расмий курсдан (деярли икки баробар) фарқ қилганлигини инобатга оладиган бўлсак, мамлакатимизнинг ташқи савдога очиклиги ва глобал бозорларга интеграциялашув даражаси ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин (1-расм). Тадқиқотимиздаги баҳолаш натижалари бўйича, савдо очиклиги (экспорт) даражаси ортинининг ҳам экспортга ижобий таъсири аниқланди.

Тўртинчидан, экспорт рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллардан яна бири – реал самарали валюта курси. Валюта курсининг маълум бир турдаги хорижий валютада эмас, балки котировка қилинган барча турдаги ёки маълум бир гуруҳ валюталарга нисбатан ошиши ёки тушишига, яъни динамикасига баҳо бериш учун самарали валюта

¹ Манба: Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

* - Ўзбекистон учун қиёслаш мақсадида параллель валюта курси бўйича ҳисобланган.

** - Туркманистон учун 2012 йил маълумотларидан фойдаланилган.

курслари ҳисобланади. Мазкур валюта курсини ҳисоблашда мамлакатнинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатлар валюталари олинади, чунки экспортёрлар ўзларининг маҳсулотлари ва хизматлари учун тўловларни асосан ушбу валюталарда қабул қилади, шунингдек бозорда импортёрлар томонидан уларга талаб кўп бўлади.

Агар миллий валютанинг реал самарали алмашинув курси ошса, ушбу мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги камаяди, яъни экспорт товарлари қимматлашиб, унинг миқдори қисқаради, импорт маҳсулотлари эса, аксинча, – арзонлашиб, миқдори ортиб боради.

Реал самарали валюта курсининг ривожланиши одатда номинал самарали валюта курси¹нинг ўзгариш тенденциясига мос ҳолатда ҳаракатланади. Улар ўртасидаги катта ўзгаришлар турли ҳамкор мамлакатларда кескин ҳолатда юзага келган йирик даражадаги инфляция суръатлари билан боғлиқ бўлади.

Бешинчидан, экспорт қилиш учун ҳар бир контейнер маҳсулотга тўғри келадиган харажатларнинг ортиши экспортимизнинг камайишига олиб келади.

Ўзбекистон экспорт қийматининг интенсив ва экстенсив чегаралардаги ўсишининг таҳлили ҳам биз тадқиқ қилаётган масала доирасида жуда муҳим аҳамиятга эга.


Экспортнинг ўсиши интенсив (мавжуд экспорт маҳсулотларини мавжуд бозорларга йўналтириш) ёки экстенсив чегаралар (янги экспорт маҳсулотларини мавжуд бозорларга йўналтириш, янги экспорт маҳсулотларини янги бозорларга йўналтириш, мавжуд экспорт маҳсулотларини янги бозорларга йўналтириш) шароитида содир бўлиши мумкин. Мазкур икки чегара экспортни сақлаб қолиш, унинг диверсификация қилинишини таъминлаш нуқтаи назаридан ўрганилганда, экспорт ўсишини таркибий қисмларга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобладади.

Hummels-Klenow интенсив ва экстенсив чегараларини мамлакатимизнинг экспорт маҳсулотлари қанчалик аҳамият касб этиши, мамлакатда ишлаб чиқариладиган товарлар рўйхатига қўшилган иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли янги маҳсулотлар ва уларнинг жаҳон савдосидаги улушини баҳолаш мақсадида ҳисоблаб чиқамиз.

2012-2016 йилларда Ўзбекистоннинг баъзи экспорт маҳсулотлари бўйича Hummels-Klenow интенсив ва экстенсив чегаралари ўзгариши таҳлилининг кўрсатишича, охириги беш йилликда дунёнинг қолган

¹ Номинал валюта курси (nominal effective exchange rate, NEER) – бу мамлакатдаги валюта операцияларида ташқи савдода асосий ҳамкор бўлган мамлакатлар валюталарининг салмоғини инобатга олган ҳолда ҳисобланган индекс кўринишидаги валюта курсидир.

қисми ҳам экспорт қиладиган минерал моддалар (HS code 25-27), металлургия саноати маҳсулотлари (HS code 72-83) экспорти эски маҳсулотлар (интенсив чегара (IM)) ҳисобидан бироз ошганлигини кузатиш мумкин. Бироқ ушбу соҳада глобал миқёсда пайдо бўлаётган янги маҳсулотлар (экстенсив чегара, EM) ҳисобидан мамлакатимизнинг жаҳон бозоридаги экспорти улуши камайиб бормоқда. Бу ҳолатни кимё саноати (HS code 28-38) ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари (HS code 16-24) экспортида ҳам кўриш мумкин. Мазкур соҳалардаги маҳсулотлар экспортининг интенсив чегараларида ҳам кузатилган пасайиш суръатлари бу соҳада янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва унинг экспортини қўллаб-қувватлаш зарурлигини аниқлатади.



2-расм. Ўзбекистоннинг баъзи экспорт маҳсулотлари тўплами (HS code 2012-2016) бўйича Hummels-Klenow интенсив ва экстенсив чегаралари кўрсаткичи ўзгариши.¹

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг пластик маҳсулотлари (HS code 39-40) экспортида ҳам интенсив чегараларда қисман ўсиш, ҳам экстенсив чегаралардаги ўсиш мамлакатимизда мазкур соҳанинг ривожланиб борётганлигидан далолат беради. Тўқимачилик саноати маҳсулотлари (HS code 50-63) экспортида эса эски маҳсулотлар бўйича

¹ Манба: International trade centre маълумотлари бўйича муаллиф томонидан ҳисобланган.

(интенсив чегара) пасайиш кузатилсада, ишлаб чиқарилаётган янги тайёр маҳсулотлар ҳисобидан мазкур соҳада мамлакатимизнинг жаҳон экспортидаги улуши ортиб бораётганлигини хулоса қилиш мумкин (2-расм).

Умуман олганда, мамлакат экспорт фаолиятининг диверсификацияси ҳолатини таҳлил қилганда, унинг географик жиҳатини ҳам ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизнинг ҳолатини сўнги йилларда қайси маҳсулот туфайли экспорт бозорларининг сони сезиларли даражада кўпайганлигини таҳлил қилишда экспорт бозорига кириб бориш индексини (IEMP) Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳисоблаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур индексда соҳалар бўйича мамлакатимиз экспорт товарларининг умумий сони ва бу товарлар етказиб бериладиган бозорлар сони, ҳар бир товарни импорт қиладиган (мамлакатимиз экспортёр сифатида манфаатдор бўлган) дунёнинг бошқа мамлакатлари ҳисобга олинади.

3-Жадвал

Ўзбекистоннинг экспорт маҳсулотлари тўплами бўйича бозорларга кириб бориш ҳолати (2016 йил)

Уйғунлашган маҳсулотларни тавсифлаш ва кодлаш тизими (HS code 2016) бўйича экспорт маҳсулотлари тўплами	Экспорт қиймати (млн. АҚШ доллари)	Экспорт қилинаётган мамлакатлар сони	Импорт қилувчи дунёнинг бошқа мамлакатлари сони	Экспорт бозорига кириб бориш индекси (IEMP), %
71. Қимматбаҳо металллар, тошлар ва бошқ.	2900,5	6	117	5,12
27. Минерал ёқилғи энергетика маҳсулотлари	835,8	6	180	3,33
52. Пахта ва пахта маҳсулотлари	721	48	172	27,9
74. Мис ва ундан тайёрланган буюмлар	456	12	165	7,27
39. Пластик ва ундан тайёрланган буюмлар	394,3	33	200	16,5
08. Турли мевалар, ёнғоқлар ва бошқ.	395	42	145	29
28. Ноорганик кимёвий моддалар, изотоплар	323,2	15	187	8
61. Кийим-кечак, аксессуарлар ва бошқ.	188,019	21	179	11,7
07. Сабзавотлар, асосан илдиз мевалар, қуритилган сабзавотлар	176,848	40	164	24,4

Уйғунлашган маҳсулотларни тавсифлаш ва кодлаш тизими (HS code 2016) бўйича экспорт маҳсулотлари тўплами	Экспорт қиймати (млн. АҚШ доллари)	Экспорт қилинаётган мамлакатлар сони	Импорт қилувчи дунёнинг бошқа мамлакатлари сони	Экспорт бозорига кириб бориш индекси (IEMP), %
79. Рух ва ундан тайёрланадиган буюмлар	115,074	3	178	1,7
60. Трикотаж ёки қўлда тўқилган матолар	66,316	9	180	5
31. Ўғитлар	76,008	14	186	7,53
41. Чарм тери маҳсулотлари	29,193	7	86	8,1
14. Сабзавотлар ва ўсимлик маҳсулотлари (пахта момиғи)	25,447	4	139	2,9
56. Йигирилган ип ва арқонлар, матолар (тўқилмаган)	21,816	7	181	3,87
47. Ёғоч ва ўсимликлардан олинадиган целлюлоза (Пахта момиғи хаамири)	16,824	10	114	8,8
20. Сабзавот, мева, ёнғоқ ва б. маҳсулотлардан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари	16,691	13	202	6,43
57. Гиламлар ва бошқа қопламалар	16,948	13	199	6,5
13. Табиий смола, каучук ва ўсимлик экстрактлари	5,829	7	165	4,24
81. Бошқа асосий металллар, керметс ва улардан тайёрланган буюмлар	2,793	6	158	3,8
50. Ипак	3,463	10	174	5,7
97. Санъат асарлари, антиқа буюмлар	1,848	5	115	4,34
46. Сават ва бошқа буюмлар тўқиш учун материаллар	0,000047	2	176	1,14
Жами	6789	333	3760	8,86

Манба: Internatioanal trade centre, Trade statistics for international business development маълумотлари асосида ижобий сальдо кузатилган экспорт маҳсулотлари гуруҳи бўйича муаллиф томонидан тузилган.

Ташқи савдода ижобий сальдо кузатилган мамлакатимизнинг экспорт товарлари тўплами бўйича ташқи бозорларга кириб бориш индекси ҳисобининг кўрсатишича, агарда Ўзбекистон экспортининг по-

тенциал имкониятидан тўлиқ фойдаланиб (экспорт товарлари тўпламидаги барча маҳсулотлар экспортини йўлга қўйса), ўзи экспорт қиладиган маҳсулотларини импорт қилувчи дунёнинг барча мамлакатларга сота олса, 3760та экспорт алоқаларини йўлга қўйиши мумкин. Ҳозирда Ўзбекистон экспорт имкониятларининг 8,86%дан фойдаланаётганлигини баҳолашимиз мумкин (3-Жадвал).

Фикримизча, сўнги йилларда маҳсулот тури ва экспорт бозорлари сони сезиларли даражада ошиб бораётган шароитда пахта ва ундан тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар, турли мева ва ёнғоқлар, сабзавотлар (асосан, илдиз мева ва қуритилган сабзавотлар), пластик ва ундан тайёрланган буюмлар каби маҳсулотларни чуқур қайта ишлашни кенгайтириш экспортдан барқарор юқори даромадлар олишнинг кафолати ҳисобланади.

Ҳеч қайси мамлакат ўз экспорт маҳсулотларини импорт қилувчи дунёнинг барча мамлакатларига тўлиқ экспорт қила олмайди. Бунга кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Бу борада дунёдаги энг муваффақиятли экспорт қилувчи мамлакатлардан бири Германия ҳисобланиб, у ўз салоҳиятининг 50%дан фойдаланади. Бу кўрсаткич энг яхши натижа ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотларимиз экспортда фойдаланилмаган имкониятларимиз жуда кўплигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга мамлакатимиз экспорти бўйича ҳисобланган ўзаро бир-бирини тўлдирувчи савдо индекси кўрсаткичининг нисбатан пастроқ эканлиги, ҳамкор давлатлар билан ўхшаш маҳсулотларни экспорт қилинаётганлиги, уларга йўналтирилган экспортимизни кенгайтириш бўйича имкониятларимиз кам эканлигини аниқламоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз экспорт товарлари рақобатбардошлигини оширишда асосий капиталга инвестициялар кўламини кўпайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш муҳимдир. Асосан интенсив чегараларда экспорт ўсиши кузатилаётган бир шароитда, инвестицияларни ташқи савдонинг экстенсив чегараларини ўзлаштириш бўйича юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Баҳолаш натижаларимизга кўра, асосий капиталга инвестицияларнинг 1 бирликка ортиши, экспорт қийматининг 0,862 бирликка ортишига олиб келади.

Мамлакатимиз экспорт таркиби ва бозорлари жамланмасининг юқорилиги экспорт барқарор тушумларининг асосий савдо ҳамкор мамлакатлар ЯИМига боғлиқлигини юзага келтиради. Россия ЯИМи қийматининг 1 бирликка ортиши, Ўзбекистон экспорти қийматининг 0,141 бирликка ортишига олиб келади.

Иқтисодиётда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ва экспорт товарлари рақобатбардошлигини оширишда ташқи савдо очиклиги муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотимиздаги баҳолаш натижаларига кўра, савдо очиклиги (экспорт) даражасининг 1%га ошиши, экспортимизнинг 0,213%га кўпайишига имконият яратади.

Шунга қарамасдан, иқтисодий очиклик кўп ҳолларда мамлакатнинг ташқи иқтисодий шокларга таъсирчанлигини ошириши (экспорт даромадларининг камайиши, ўсишнинг секинлашиши) мумкинлиги билан изоҳланади. Бироқ мазкур таъсир доираси кўпроқ мамлакат экспорт портфелининг диверсификация даражасига боғлиқ бўлади. Барча тенг шароитларда ишлаб чиқариш тузилмасининг кўпроқ диверсификация қилиниши аксарият ҳолларда кам маҳсулотларга, хусусан, бирламчи маҳсулотларга таяниб қолишдан кўра афзалроқдир.

Курс сиёсатини тартибга солиш экспортни рағбатлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ташқи савдони босқичма босқич эркинлаштириш шароитида миллий валютанинг паст даражадаги ҳақиқий алмашинув курсини ушлаб туриш нафақат импортнинг қимматлашуви натижасида ички бозоримизда миллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг рақобатбардошлигини оширади, балки экспорт ривожини ҳам рағбатлантиради. Тадқиқотимиздаги реал самарали валюта курсининг экспорт самарадорлигига таъсирини баҳолаш натижалари барча назарий хулосаларга тўлиқ мос келмоқда. Истеъмол нархлар индекси бўйича йиллик ҳисобланган реал самарали валюта курси қийматининг 1 бирликка кўтарилиши, экспортимизнинг 0,325 бирликка камайишига олиб келади.

Шунингдек, мамлакат экспорт товарларининг қиймат ва сифат жиҳатидан рақобатбардошлиги ҳамда экспорт корхоналарининг самарали фаолият юритиши кўп жиҳатдан трансакцион харажатлар даражасига боғлиқ. Трансакцион харажатларнинг кўпайиши корхоналар даромадлигининг камайишига, “хуфёна” секторнинг ривожланишига, рақобат даражаси ва товарларнинг сифати ҳамда ҳамёнбоп нархига салбий таъсир кўрсатади. Баҳолаш натижаларига кўра, экспорт қилиш учун ҳар бир контейнер маҳсулотга тўғри келадиган харажатларнинг 1 бирлик қийматга ошиши, экспортимизнинг 1,613 бирликка камайишига олиб келади.

Адабиётлар

- ♦ «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, www.lex.uz.
- ♦ Bernard A., J. Bradford J. Redding J. Stephen and P. Schott. 2007. «Firms in International Trade». CEPR Discussion Papers 6277, Centre for Economic Policy and Research, London.
- ♦ Olivier Cadot, Сйline Carrige, and Vanessa Strauss-Kahn. 2011. «Trade Diversification: Drivers and Impacts». World Bank, Washington, DC.
- ♦ Jean-Jacques Hallaert, Ricardo Cavazos Cepeda, and Gimin Kang. 2011. «Estimating the Constraints to Developing Countries Trade». Organisation for Economic Co-operation and Development, Paris
- ♦ Hummels D., and P. Klenow. 2005. «The Variety and Quality of a Nations Exports». American Economic Review 95 (3): 704723.
- ♦ Brenton P., and R. Newfarmer. 2009. «Watching More Than the Discovery Channel to Diversify Exports». In Breaking into New Markets: Emerging Lessons for Export Diversification, eds. R. Newfarmer, W. Shaw, and P. Walkenhorst, 111-126. Washington, DC: World Bank.
- ♦ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари. www.stat.uz
- ♦ Жаҳон банки маълумотлари. World Development Indicators. <http://databank.worldbank.org/data/>
- ♦ Internatioanal trade centre, Trade statistics for international business development